

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12. 2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ГУЛШАН АМАНКУЛОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Маматова Гулшан Аманкуловна

Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси1-22

Маматова Гулшан Аманкуловна

Методика формирования литературных понятий у учащихся на уроках чтения в начальных классах.....23-42

Mamatova Gulshan Amankulovna

Methods of formation of the literary concepts at school children at reading lessons in elementary classes.....43-46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46-49

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12. 2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ГУЛШАН АМАНКУЛОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матчонов Сапа
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

педагогика фанлари доктори, профессор
Ниёзметова Роза Хасановна

педагогика фанлари номзоди, доцент
Эгамбердиева Фарида Октамовна


Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети


Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc. 03/30.12. 2019.fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)


Қ.Б.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.


Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.


С.Аширбаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д. проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантиришнинг такомиллаштирилган адабий таҳлил методикалари татбиқ этилган. Жумладан, Россия, Сингапур, Гонконг, Япония, Финландия, АҚШ, Германия, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларда саводхонлик, мантикий тафаккур ва интеллектуал салоҳиятни ошириш бўйича амалий ишлар ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиб, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик малакаларини ривожлантириш имкониятини кенгайтормоқда.

Жаҳон таълим амалиётида бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларни бадиий матнни тушуниш, унинг мазмунини англаш ва идрок этишнинг назарий асослари илмий, илмий-методик жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Финландияда китобхонлик даражасини оширишда ота-онанинг масъулиятини кучайтириш, АҚШда бадиий-эстетик тафаккур тарбияси, Германияда болалар адабиётида драмага оид тушунчаларни шакллантириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларида адабий таҳлил кўникмаларини таркиб топтириш ва уларни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий-методик ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаимиз таълим муассасаларида интеллектуал ривожланган шахсни камол топтиришнинг моддий-техник базаси яратилди, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди¹. Бу эса ўқувчиларда адабий тушунчаларини шакллантириш орқали адабий таълимда юксак самарадорликка эришишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш масалалари Қ.Абдуллаева, С.Матчонов, Б.Макулова, Т.Ғаффорова; юқори синф адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини шакллантириш масалалари А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, У.М.Марасулова, Р.Х.Ниёзметова, Қ.П.Хусанбаеваларнинг илмий ишларида таҳлил этилган; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари К.Қосимова, Ш.Йўлдошева, Х.Ғуломова, А.Қ.Нисанбаевалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўқиш дарсларида адабий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари бўйича МДХ олимлари: Л.И.Беленькая, М.П.Воюшина, М.Р.Львов, С.П.Лавлинский, В.Маранцман, Л.Д.Мали, М.И.Оморокова, О.И.Плешкова, С.В.Плотникова, М.А.Рибникова, Н.Н.Светловская, М.С.Соловейчик, И.В.Сосновская, Л.Е.Стрельцова, Н.Д.Тамарченко, Н.С.Троицкая, Т.Г.Фирсова ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантиришнинг турли жиҳатлари узок хорижий давлатларнинг I.K.Ghosn, J.Thomson, G.Lazar, M.Lajolo, B.Lin, P.Morgan, E.Silva, V.R.Stan, T.Van каби олимлари томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий, педагогик ва психологик адабиётларда бошланғич синф ўқувчиларининг адабий тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

Ўқувчиларнинг адабий тушунчаларига доир билим, кўникма, малака ва компетенцияларини синфлар кесимида шакллантириш босқичларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш механизмини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг тинглаб матнни тушуниш ва англаш даражаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – бошланғич синфлар ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантириш мазмуни, шакли ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, мониторинг, умумлаштириш, тест, эвристик, интервью, қиёсий таҳлил, суҳбат, репродуктив, тажриба-синов, педагогик эксперимент, математик статистика таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчалар шаклланишининг диагностик тизими ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини фанни ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар билан интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг адабий тушунчаларига доир билим, кўникма, малака ва компетенцияларини синфлар кесимида шакллантириш босқичлари эвристик, продуктив фаолиятли таълим технологияларини қўллаш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш механизми бадий-эстетик тафаккурни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш даражалари ва босқичларини Халқаро баҳолаш дастурларига мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришнинг мазмуни аниқланган, самарали шакл, метод ва воситалари амалиётга жорий қилинган;

бошланғич синф ўқувчиларининг адабий тушунчаларини шакллантириш орқали бадий-эстетик тафаккурини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш бўйича топшириқлар тизими яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришда республикамиз ва хориж олимлари тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос

методлар танлангани, таҳлил ва тавсияларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминлангани; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантириш усулларининг тизимлаштирилгани ҳамда адабий таҳлил кўникмаси ва бадиий-эстетик тафаккурини камол топтиришнинг муҳим омили эканининг илмий-методик жиҳатдан далилланишида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадиий асарлар устида ишлаш жараёнида адабий билим беришнинг анъанавий ва ноанъанавий методларидан фойдаланиш йўллари ёритилгани ҳамда адабий тушунчаларни шакллантиришга доир, шунингдек, асослаб берилган аҳамиятли назарий билимлар меъёридан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида она тили ўқитиш методикаси бўйича маъруза матнлари тайёрлаш; ўқиш методикасига оид ўқув адабиётлари яратиш; илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси бўйича илмий натижалар асосида:

бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3814-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар асосида таълим мазмуни такомиллаштирилган, бу эса бошланғич синф ўқувчиларининг билим даражасининг ўсишига хизмат қилган;

бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантиришга оид таянч ва фанга оид компетенциялар тизими “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари ва ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3814-сон маълумотномаси). Мазкур компетенциялар бошланғич синф ўқувчиларининг адабий тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот материалларидан 2017-2018 йилларда бажарилган “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий соатларни ўтказишни такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” номли амалий тадқиқот лойихасида фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-85-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар асосида бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 илмий-услубий иш, жумладан, битта методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантиришнинг илмий-амалий асослари**» деб номланади. Унда бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришнинг мавжуд аҳволи, таълим тизимидаги ўрни ва роли билан боғлиқ муаммолар ёритилган.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни малакали китобхон сифатида тарбиялашда асар таҳлили ва ўқувчининг шахсий ижодкорлик қобилияти алоҳида аҳамият касб этади.

Бадиий асарнинг ўқувчилар томонидан идрок этилиш даражаси китобхонлик фаолияти натижалари таҳлили асосида белгиланади. Адабий таълим жараёнида асарнинг тўлиқ идрок этилиши адабий тушунчаларнинг чуқур эгалланганлигидан далолат беради.

Илмий-методик адабиётларни ўрганиш ҳамда тажриба-синов ишлари натижасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун адабий тушунчалар асосида бадиий асарни идрок этишни тўртта даражасини ажратишни лозим топдик.

Ўқиш методикаси масалалари билан ўзбек методист олимларидан К.Қосимова, С.Матчонов, Қ.Абдуллаева, Т.Ғаффорова ва рус

методистларидан Н.Н.Светловская, М.И.Оморокова, Т.Рамзаевалар атрофлича шуғулланишган.

Профессор К.Қосимова ва С.Матчоновларнинг ўқиш методикасига доир ишларида ўқувчи таълимнинг фаол иштирокчиси, «методик омил» сифатида тилга олинishi бежиз эмас. Уларнинг фикрича, бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни малакали китобхон сифатида тарбиялашда асар таҳлили ва ўқувчининг шахсий ижодкорлик қобилияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларида шеър, ҳикоя, масал, топишмоқ, мақол, адабий қаҳрамон, сарлавҳа, матн, режа каби дастлабки адабий тушунчаларни шакллантира боришни тақозо этади. Шу мақсадга қаратилган адабий таҳлил ўқитувчи ва ўқувчининг қатъий режа асосида изчил ҳамкорликда изланишини талаб этади. Бусиз ўқувчи дастурда кўзда тутилган даражада асарни эстетик жиҳатдан англаш ва идрок этишга қодир бўлмайди. Таҳлилда умумийдан хусусийга, яъни асарни тушунишга ёрдам берувчи умумий мазмунни ва тафсилотларни аниқлашга томон бориш лозим. Таҳлил бошида асарнинг жанрий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бериладиган саволларни ўқувчиларнинг мавжуд тушунчаларидан келиб чиқиб изчил ва кенг қамровли тарзда қўйиш талаб этилади. Шу асосда ўқувчиларнинг фикр ва хисларини муайян мақсадга йўналтирилса, бошланғич таълимда кўзланган натижага эришиш қийин кечмайди.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар бадиий асарни таҳлил қилишга турли ёндашишлар мавжудлигини кўрсатди. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Асар тили таҳлили бу асарда муаллиф томонидан қўлланилган тасвирий ифода воситалари ҳамда қаҳрамонлар нутқи ва уларга ёзувчи муносабатини аниқлаш мақсадида уюштирилади. Масалан, 4-синфда Рауф Толибнинг «Қуёш севган юрт» асари ўрганилганда шеърдаги тасвирий воситаларни аниқлаш юзасидан қуйидаги савол-топшириқлар берилиши мумкин: «Қуёш тоғлардан, боғлардан кўз узолмас экан» гапини матндан топиб ўқинг. Қуёшнинг юртимизни нима учун севишини қандай изоҳлайсиз?» ва ҳақозо. Бундай топшириқлар ўқувчилар луғат бойлигини, нутқининг ифодалигини оширишга хизмат қилади.

Адабий таҳлил орқали асар қаҳрамонларининг феъл-атвори, ҳис-туйғулари, характер хусусиятлари ўрганилади. Масалан, 4-синфда Нормурод Норқобилонинг «Харита» ҳикояси ўрганилганда, асар қаҳрамонлари Самад ва Расулнинг феъл-атворини тавсифлаш орқали уларнинг характер хусусиятлари очиқ берилди. Адабий таҳлилни шу таҳлитда уюштиришни бошқа асарларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Асар воқеалари таҳлили асосида сюжет ва унинг асосий қисмлари ўртасидаги боғланишни аниқлаш масаласи туради. Бундай таҳлилда хатти-ҳаракатдан характерга, воқеа-ҳодисадан матн мазмунига қараб борилади. Хусусан, 4-синфда Пиримқул Қодировнинг «Хатарли учрашув» ҳикоясидаги воқеалар ривожини ва улар орасидаги боғланишни аниқлаш учун қуйидаги режадан фойдаланиш мумкин: 1. Жондорларни ит деб юрибман. 2. Бехосдан

чўчиб кетдим. 3. Қорга ўтириб қолдим. 4. Гап ақл ва иродада экан. Асар мазмунини режа асосида ҳикоя қилдириш ўқувчиларга ундаги асосий фикрни тўғри англашларига яқиндан ёрдам беради.

Муаммоли таҳлил бадиий асардаги муаммоли масала ва вазиятлар асосида ташкил этилади. Масалан, Ҳаким Назирнинг «Қодир билан Собир» ҳикояси ўқилганда (4-синф) «Болалар ўртасида қандай ҳолатларда дўстлик бўлади? Доим бирга юрадиган болаларни дўст деб бўладими?» каби саволлар асосида муаммоли вазият яратилиб, ўқувчилар фикр-мулоҳазалари асосида ҳал этилади. Бу эса уларнинг ижодий ва мантикий фикрлашларига замин яратади.

Ўқиш методикасида таҳлилнинг сўз билан тасвирлаш ва график тасвирлаш, тасвирий воситалар таҳлили, кузатиш, маънодош сўзларни топиш, асарни саҳналаштириш, ифодали ўқиш ва ролларга бўлиб ўқиш, қайта ҳикоялаш, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш усуллари кенг қўлланилади. Бадиий асар устида ишлашни ташкил қилишда таҳлил усулини танлаш асар матнининг хусусиятлари ва таҳлил жараёнида ҳал қилиш зарур бўлган вазибаларга қараб аниқланади.

Юқори синфларда адабий тушунчаларни таркиб топтириш жараёнини профессор Аскар Зуннунов 5 босқичга бўлади.

Бошланғич синфларда адабий тушунчаларни ўрганиш юқори синфлардагидан фарқ қилади. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёши, савияси, тажрибаси бадиий асар устида қатъий назарий тушунчалар асосида ишлашни кўтармайди. Биз илмий-методик изланишлар давомида бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни таркиб топтиришни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлишни мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик:

1. Тайёрлов босқичи. Бу босқич амал қилинадиган 1-синфда асарнинг эстетик тарбиявий ғоясини кузатиш, асар воқеаларини қисмларга ажратиш; бадиий асар мавзусини аниқлаш, шеърини нутқ билан насрий нутқнинг бири-биридан фарқини кузатиш билан боғлиқ тушунчалар устида ишланади. Ўқувчиларнинг талаффузи ва оғзаки нутқига кўпроқ эътибор қаратилади.

2. Бошланғич босқич. 2-синфда амал қилинадиган бу босқичда асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини кузатиш; асар мавзуси ва ғояси устида ишлаш; диалог ҳақида умумий тушунча бериш; асарни қисмларга ажратиш ва унинг ўзаро боғлиқ воқеалардан ташкил топиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; асардаги кичрайтириш, эркалаш, кўчма маъноли сўзларнинг бадиий хусусиятларини аниқлаш; шеърини нутқнинг банд ва мисралардан ташкил топишига доир тушунчалар устида ишланади. Адабий жанрларнинг фарқи, асарнинг таркибий элементлари, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар ва адабий қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашга ўргатилади.

3. Асосий босқич. Бу босқич амал қилинадиган 3-4-синфларда асар қаҳрамонларининг суврати ва сийратини кузатиш, тасвирланган воқеаларнинг ҳаёт билан боғлиқлигини англашларига эришиш, ёзувчининг асар қаҳрамонларига муносабати устида ишлаш; ҳикоя ва тасвир ҳақида

тушунча; табиат тасвири, қаҳрамон тасвири устида ишлаш; асарни қисмларга ажратиш ва унинг режаси ҳақида маълумот бериш; асардаги воқеаларнинг ривожланиб боришини, сабаб-натижа боғланишини аниқлаш; ўхшатиш, жонлантириш, ибора ҳақида тушунча ҳосил қилиш; насрий ва шеърий нутқнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш; шеърий нутққа хос такрор, муболаға ҳақида амалий тушунча ҳосил қилиш; шеърий нутқда сўзлар тартиби, шеър тузилиши – қофия, банд ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳам адабий тушунчаларни шакллантириш ўзининг лингводидактик, педагогик-психологик хусусиятларига кўра босқичларга бўлиб ўрганишни тақозо этса-да, ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантириш тизими ҳалигача ишлаб чиқилмаганлиги афсусландир.

Биз тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган тажрибаларимиз асосида бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни амалий ва тадрижий шакллантириш тизимини тахминан қуйидагича тақсимлаб чиқдик (1.1-жадвалга қаранг).

1.1-жадвал.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида шакллантириладиган адабий тушунчалар мазмуни

Ўрганиладиган адабий тушунчалар тизими	1-синфда ўрганиладиган адабий тушунчалар мазмуни	2-синфда ўрганиладиган адабий тушунчалар мазмуни	3-синфда ўрганиладиган адабий тушунчалар мазмуни	4-синфда ўрганиладиган адабий тушунчалар мазмуни
Асарнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот	Асар қаҳрамонлари ва воқеаларини аниқлаш.	Асар мавзуси юзасидан умумий тасаввур ҳосил қилиш.	Асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари устида ишлаш	Асардаги воқеаларнинг ривожланиб боришини кузатиш.
Асар композицияси ҳақида маълумот	Асарни асосий қисмларга ажратиш.	Асар воқеаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.	Асарни асосий қисмларга ажратиш ва режаси тузиш.	Воқеаларнинг сабаб-натижа боғланишини аниқлаш.
Асар тили устида ишлаш	Бадиий асар тилининг эмоционаллигини кузатиш.	Асардаги ҳаяжонли нутқни кузатиш. Кичрайтириш, эркалаш, кўчма маъноли сўзларни аниқлаш.	Ўхшатиш, жонлантириш, ибора ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	Насрий ва шеърий матндаги жонлантириш, ўхшатиш, иборага хос хусусиятларни кузатиш.

Шеър тузилиши ҳақида маълумот	Шеър ий нутқ билан насрий нутқнинг бир-биридан фарқини кузатиш.	Шеър ий нутқнинг оҳангдош сўзлардан ташкил топиши ҳақида тушунча бериш.	Шеър тузилиши – қофия, мисра, банд ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	Шеър ий нутқда образ, жонлантириш, ўхшатиш, ибора, пейзаж ҳақида тушунча ҳосил қилиш.
Адабий жанрлар ҳақида маълумот	Шеър, кўшиқ, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ҳикояларни фарқлаш.	Шеър, кўшиқ, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ҳикоя ҳақида тушунча бериш.	Ривоят, масал, латифа, қофия, мисра, банд, дostonга хос умумий хусусиятлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	Сарлавҳа, образ, жонлантириш, ўхшатиш, ибора, пейзаж, диалог, го я га хос хусусиятларни фарқлаш.

Бошланғич синфларда бадиий асар таҳлилида ўқувчиларнинг ёши, ҳаётий тажрибаси, савияси, тасаввур қила олиш уқуви ва асар билан танишиш жараёнида ҳосил бўлган руҳий кайфияти ҳисобга олинади. Адабий тушунчаларни ўрганиш ўқувчиларнинг ички ҳиссий кечинмалари билан боғланмаса, уларда адабиётга бўлган қизиқиш сусаяди. Ўқувчиларда эстетик завқ уйғотиш учун ўқитувчи адабий тушунчалардан восита сифатида фойдаланиши лозим. Бошланғич синфларда адабий тушунчалар бадиий асар матнининг таҳлили жараёнида шакллантирилади. Жумладан, *шеър, кўшиқ, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ҳикоя* (1-2-синфлар); *ривоят, масал, латифа, қофия, мисра, банд, дoston* (3-синф); *сарлавҳа, образ, жонлантириш, ўхшатиш, ибора, пейзаж, диалог, гоя* (4-синф) каби адабий тушунчалар юзасидан амалий билим ҳосил қилинади.

Асар таҳлилида қўлланиладиган усуллар юзасидан ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказганимизда, биринчидан, бошланғич синф ўқитувчиларининг аксарияти олий маълумотга эга бўлса-да, кўпчилигида ўқиш дарсларини ташкил қилиш, болалар адабиётини ўқитиш малакаси, адабий билимларнинг етишмаслиги, иккинчидан, асар таҳлилида адабий тушунчалар устида ишлашга доир методик қўлланмаларнинг яратилмаганлиги, борларида ҳам масалага чуқур ёндашилмаганлиги, учинчидан, олий ўқув юртларида бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув режасида «Бошланғич синфларда она тилини ўқитиш методикаси» фанининг бир бўлими сифатида «Синфда ўқиш ва синфдан ташқари ўқиш методикаси»нинг қисқа курсини ўқитиш назарда тутилганлиги, бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашда бундай маълумот билан чегараланиш ўқиш дарсларини тўғри уюштириш ва ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш эҳтиёжи билан мутаносиб келмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси**» деб

номланади. Унда бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришнинг назарий масалалари таҳлил қилинди.

Бадиий асарни ўқиш ўқувчилар нутқини ўстиради, уларнинг онгида аниқ тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш асносида сўз бойлигини фаоллаштиради, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда эркин ифодалашга кўмаклашади. Таълим жараёнида ўқувчилар асарнинг мазмунини, асосий ғоясини, қаҳрамонларга хос хусусиятларни тушуниб етади, бадиий асар тилидаги тасвирий воситалар ҳақида муайян тасаввурга эга бўладилар.

Ҳар бир асарга ҳаётнинг у ёки бу томонини кўрсатувчи ойна сифатида қаралади. Дарҳақиқат, бадиий адабиёт ўқувчиларнинг бизни ўраб турган дунёни англашида муҳим восита бўлиб қолади. Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида адабий тушунчалар асосида олиб бориладиган бадиий асар таҳлили жараёнида ўқувчиларнинг атроф-олам ҳақида олаётган билимлари, ўз тенгдошлари, уларнинг ҳаёти, ўйинлари, саргузаштлари, табиат ва уни асраши, Ватан тарихидан дастлабки маълумотлар ижтимоий-ахлоқий тушунчаларининг кенгайишига ёрдам беради, ахлоқий тасаввурларини шакллантириш, ҳис-туйғуларини тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Мактабларда олиб борилган тажриба-синов ишлари 1-синфлардан бошлаб ўқувчиларни адабий тушунчалар билан қуроллантириш ўқиш дарсларини қуйидаги режа асосида уюштириш таълимда изчиллик ва тизимлилик тамойилининг муҳим шарти бўла олишини кўрсатди:

1. Ўқувчиларни бадиий асарни ўқишга тайёрлаш.
2. Асар муаллифининг ижоди ҳақида қисқача маълумот бериш.
3. Ўқитувчи (ёки яхши ўқийдиган ўқувчи) томонидан асарнинг ифодали ўқиб берилиши.
4. Ўқувчиларни асарнинг бадиий хусусиятлари юзасидан мустақил фикрлашга йўналтириш.
5. Матн таҳлили асосида ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантириш.
6. Асардаги тасвирий воситалар устида ишлаш ва адабий қаҳрамонлар хулқ-атворини баҳолаш: уларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларини таққослаш асосида асар ғоясини аниқлаш.
7. Бадиий асарларнинг жанр хусусиятларини фарқлаш.
8. Асар жанри ҳақида умумий маълумот бериш.

Бошланғич синфларда адабий тушунчаларни шакллантиришда асосий босқич ҳисобланган 3-4-синфларда амалга ошириладиган ишлар ўқувчиларда тез, тўғри ва онгли ўқиш малакаларини шакллантиришдан аста-секин асар сюжети, тили, ғояси, қаҳрамонлар нутқи ва композицион тузилиши каби мураккаброқ адабий тушунчалар билан боғлиқ таҳлил кўникмаларини тарбиялашга қараб борилади.

“Ўқиш саводхонлиги” атамаси ўқиш тезлигини текширишни эмас, балки “саводли ўқиш”ни англатади. Унга кўра, ўқувчи мантларни тушуниши, уларнинг мазмунини мушоҳада қилиши ва баҳолай олиши, ўз фикрини баён

эта олиши зарур. Ўқувчиларда айнан шу жиҳатни, яъни, китобхонлик даражасини мониторинг қилувчи - бу халқаро PIRLS тадқиқот методларидир.

PIRLS - бу турли давлатлардаги 4-синф ўқувчиларининг ўқиш сифати ва матнни тушуниш даражасини, шунингдек, ҳар хил давлатлар таълим тизимидаги ўзгаришларни таққослаш ва намоён қилиш имконини берувчи тадқиқот методларидир. Тадқиқот жараёнида дарсда ўқувчилар томонидан энг кўп қўлланиладиган ўқишнинг қуйидаги икки тури ўрганилади:

1. Адабий китобхонлик малакасини эгаллаш мақсадидаги ўқиш.
2. Мазмунни тушуниш ва амалда фойдаланиш мақсадидаги ўқиш.

Ўқувчиларнинг матнни ўқиш ва саволларга жавоб беришларига доир баъзи топшириқлар тавсия этилган вариантлардан бирини танлашни назарда тутса, бошқалари эса мустақил жавоб беришни талаб этади. Бу тадқиқотда ўқувчи учун тавсия қилинадиган аксарият савол-топшириқлар айнан адабий тушунчалар билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам бошланғич синфларда ўқувчиларнинг матн мазмунини чуқурроқ англашлари учун бадиий асар таҳлили жараёнида бутун асар моҳиятини бирданига эмас, балки асарнинг ҳар бир қисми, агар у ҳажман катта бўлмаса, маъносини очиб беришга ҳаракат қилинади. Бадиий асар таҳлили мантиқан тугал қисмлари бўйича олиб борилиши зарур. Бу қисملарни ўқитувчи асарнинг мазмуни ва таркибидан келиб чиқиб аниқлайди. Ҳар бир қисм ўқувчи томонидан овоз чиқариб ўқилади, бошқа болалар китобдан кузатиб боради. Сўнгра ўқилган қисм таҳлилга тортилади ва тафаккур қилишга ўргатилади. Таҳлил фаолияти ўқувчилар томонидан асар моҳиятини тушуна оладиган қилиб ташкил этилади. Шунинг учун асар фактик, ғоявий ва ўқилаётган асарга нисбатан хусусий муносабат сингари уч даражада амалга оширилади. Ўқилган қисмга савол қўя олиш таҳлилнинг энг кўп тарқалган усули ҳисобланади. Саволлар ўқувчиларга асарнинг моҳиятини англашга, муаллиф нуқтаи назарини тушуниб олишга, шунингдек, ўқиган асарга нисбатан ўз фикрини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Қаҳрамон образи таҳлили ёзувчининг асар қатнашувчиларнинг ўй-хаёллари ва ички кечинмалари каби кўзга кўринмас жиҳатларини қандай очиб берганлигини тушуниб олишга ёрдам беради. Ўқувчиларни асар қаҳрамонларининг асосий хислатлари ҳақида фикр юритишга, уларнинг қилмишлари бўйичагина эмас, балки уларни юзага келтирувчи сабаблар бўйича ҳам мулоҳаза юритишга ўргатиш талаб этилади. Бу, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун қийинроқ кечади.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар жараёнида асар қаҳрамонлари феъл-атворини қуйидаги тарзда таҳлил қилиш ижобий самара бериши аниқланди:

1. Ўқитувчи асар қаҳрамонларига хос умумий хусусиятларни айтади ва ўқувчиларга матндан уларга доир мисоллар келтиришни топширади.

2. Ўқувчиларга асар қаҳрамонларига хос хислатларни мустақил равишда гапириб бериш тавсия этилади.

Муаллифнинг адабий қаҳрамонларга муносабатини очиб беришда куйидаги усуллар кўл келади:

1. Ўқитувчининг ўзи муаллифнинг қаҳрамонларга бўлган муносабатини тавсифлайди, ўқувчилар эса матндан бунга мисоллар келтирадилар.

2. Ўқувчилар ўқитувчи билан бирга «тажриба» ўтказди, яъни матндан муаллифнинг асар қаҳрамонларига муносабати ифодаланган сўз, ибораларни чиқариб ташлайди. Бу эса асарда қатнашувчиларнинг ўзига хос хусусиятини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

3. Муаллиф таърифи бўлмаган чоқда ўқувчилар уни ўқитувчи билан бирга ўйлаб топадилар.

Маълумки, ўқувчиларни адабий тушунчалар билан чуқурроқ таништиришда уларнинг бадиий асарга бўлган шахсий муносабатини шакллантириш муҳимдир. Аммо бунинг учун дарсда махсус вақт ажратиш шарт эмас. Ўқувчиларнинг асарга нисбатан шахсий муносабатлари ҳақидаги фикр бутун матн устида ишлаш жараёнида шакллана боради.

Матнни ҳикоя қилиб бериш ўқувчига ўқилган матнга нисбатан ўз муносабатини англашга ёрдам беради. Шунга кўра, ҳикоя қилиш образли тафаккур қилишни ривожлантирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларни адабий тушунчалар орқали мустақил фикрлашга ўргатиш бошланғич таълимнинг муҳим жиҳатидир. Зеро, айнан ижодий қобилиятда иқтидорлилик белгиси мужассамдир. Шунинг учун ҳозирги кунда ўқувчиларда ижодкор шахс сифатларини таркиб топтириш замонавий мактабларнинг муҳим вазифаларидан бўлиб турибди. Бундай вазифани амалга оширишда бошланғич синфларнинг ўқиш дарслари катта имкониятга эга.

Айнан бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда ижобий мотивация бўлган ижодкорликка таянишни мустаҳкамлаш лозим. Бошланғич синфлардаги ўқиш дарслари – бу ҳар доим ижодкорлик дарсидир. Бу дегани, ўқувчиларни гўзалликни кўра олишга ўргатиш, уларда эстетик ҳис-туйғуларни пайдо қилиш, маънавий оламини бойитиш демакдир. Бошланғич синфларда ўқиш таълими дунёқараши кенг, оламини бошқа инсон – ёзувчи, қаҳрамон кўзи билан кўра оладиган, билимли ёш китобхон ва зехнли тингловчини тарбиялашга қаратилиши билан алоҳида ўринга эга. У ўқувчида ўзини ўзга бир инсон ўрнида тасаввур этиш кўникмасини таркиб топтиради.

Замонавий методикада ижодий ҳикоя қилиш матн мазмунини қайта ҳикоя қилишга нисбатан кўпроқ қўлланади. Ўқувчиларнинг унга тайёргарлиги ҳикоя қилишнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Ижодий ҳикоя қилишнинг мақсади ўқувчиларда асарга нисбатан ҳиссий муносабат уйғотиши, унинг ғоясини чуқур англашга ёрдам бериши, асар қаҳрамони кечинмаларига ошно қилиши кабилардан иборат бўлади. Ижодий ҳикоя қилиш учун шундай асарларни танлаш керакки, ўқувчи ўзини асар қаҳрамонлари ўрнига қўйиб кўра олсин, унинг руҳиятини тушунсин. Умуман, асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга унинг кўзи билан қарай

олсин. Шунга кўра, ижодий ҳикоя қилиш асар мазмунини маълум ўзгаришлар билан беришни назарда тутди.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобда назорат ва тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг адабий тушунчаларини шакллантириш натижалари ва таҳлили ёритилди. Умум таълим мактабларининг 32 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда 773 нафар ўқувчилари респондент сифатида тажриба ишларига жалб этилди. Илмий-тадқиқот юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларини уч босқичда амалга оширдик.

Асословчи босқичда (2015-2016 йиллар) илмий-тадқиқот ишида олдимизга қўйилган илмий-методик муаммо юзасидан Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 26-, Тошкент шаҳар Шайхантоҳур туманидаги 169-, Тошкент вилояти Бўка туманидаги 1-, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги 7-ўрта мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилган адабий билимлар даражаси ўрганилди. Саволномалар тарқатилди ва 150 соат дарс кузатиш давомида бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий-методик билимлари даражасига ҳам эътибор қаратилди. Ўқитувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Сиз ўқиш дарсларида адабий таҳлил усулларида фойдаланасизми? («Ҳа», «йўқ») («Ҳа» жавоби 72%)

2. Ўқиш дарсларини ташкил этишда қандай қийинчиликлар сезилади?

а) назарий билимлар етишмаётганини ҳис қиламан;

б) асарнинг бадиий хусусиятларини кўрсатишда қийналаман;

в) дарсни қизиқарли йўсинда ташкил қилишда қийналаман.

89 % ўқитувчилар бу саволларнинг «а» ва «б» бандларини кўрсатиб, асар таҳлилида назарий билимлари талабга жавоб бермаётганини тан олганлар.

